

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.16.01. РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**МУРАДОВ БАҲРОМ АКРАМЖОНОВИЧ**

**ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in  
Economic Sciences**

**Мурадов Баҳром Акрамжанович**

Чарм-пойабзал корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш  
самарадорлигини ошириш йўллари..... 3

**Мурадов Баҳром Акрамжанович**

Пути повышения эффективности производства продукции на  
кожевенно-обувных предприятиях..... 25

**Muradov Bakhrom Akramjanovich**

The ways of increasing production efficiency at the leather-footwear  
enterprises..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.16.01. РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**МУРАДОВ БАҲРОМ АКРАМЖОНОВИЧ**

**ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Iqt.9 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Болтабаев Маҳмуджон Рустамович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бурханов Ақтам Усманович**  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Маманазаров Ойбек Шомуродович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Б.Ю.Ходиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**А.Н.Самадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Б.Т.Салимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган бир пайтда чарм ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳамда стратегик иқтисодий ресурс сифатидаги аҳамияти ортиб бормоқда. «Бугунги кунда дунё бўйича бир йилда ўртача 4,4 млрд жуфт чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бундай маҳсулотларнинг 41,7 фоизи Хитойда, 6,3 фоизи Мексикада, 5,4 фоизи Италияда, 4,4 фоизи Бразилияда, 4,3 фоизи Ҳиндистонда ва 0,2 фоизи Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади»<sup>1</sup>. Чарм ва чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатини барқарор ривожлантириш, тармоқ корхоналарига замонавий асбоб-ускуналарни жорий этиш ҳисобига чарм-пойабзал ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш асосида замонавий саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда аҳоли сони тобора ошиб бораётган бир вақтда, озик-овқат ва кийим-кечак маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортмоқда. Бу эса, ўз навбатида, чарм-пойабзал маҳсулотларига бўлган талабни янада оширади. Шу жиҳатдан, жаҳон амалиётида тўпланган илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, республикамизда чарм-пойабзал тармоғини ривожлантиришнинг илмий асосларини такомиллаштириш, яъни соҳа корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Республикамизда чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати самарадорлигини ошириш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлашга, технологик жараёнларни бошқариш усуллариини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш; иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Ушбу вазифани бажариш, жумладан, чарм-пойабзал корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини такомиллаштириш, тармоқ корхоналарининг иқтисодий фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3693-сон қарори, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси»

<sup>1</sup> «Ўзчармпойабзал» уюшмаси маълумотлари асосида тайёрланди.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.

тўғрисидаги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони, «2016–2020 йилларда чарм-пойабзал саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 2016 йил 15 сентябрдаги ПП-2592-сон қарори<sup>3</sup> ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Чарм-пойабзал корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар А. Томпсон, О. Бланшар, Ф. Хайек, Б. Баверк, Л. Мизес, В. Иванов, Г. Немченко, П. Забелин, А. Бочаров, Т. Худякова, С. Шевченко, С. Богатирев, И. Ансофф, Я. Корнаи, Б. Карловларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган<sup>4</sup>. Шунингдек, мавзу бўйича юртимиз олимларидан Б.Ю. Ходиев, Ё. Абдуллаев, А. Бекмуродов, М.Р. Болтабоев, Б.К. Ғойибназаров, Б.Б. Беркинов, Ш.Н. Зайнутдинов, Н.Қ. Йўлдошев, М.А. Икромов, Д.Н. Раҳимова, Д.С. Қосимова, А.Ф. Расулев, М.Л. Турсунходжаев, А.М. Қодиров, Ш.И. Отажонов ва бошқа олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар<sup>5</sup>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 15 сентябрдаги ПҚ-2592-сонли «2016–2020 йилларда чарм-пойабзал саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори//www.lex.uz.

<sup>4</sup> Иванов В.В. Организация диверсифицированного производства на основе вариантного ресурсного обеспечения: дис. ... д-ра экон. наук. – М., 1999; Немченко Г.И. Эффективность диверсификации производства: теория и методология./ дис. ... д-ра экон. наук – СПб, СПбГИЭУ. – 1993; Забелин П.В. Корпоративное управление связанно-диверсифицированными системами в промышленности: дис. ... д-ра экон. наук. –М., 1999; Бочаров А.А. Особенности стратегического планирования в условиях диверсификации: дис.... канд. экон. наук. – СПб, 1999; Худякова Т.А. Совершенствование управления диверсифицированного производства промышленного предприятия: дис. ... канд. экон. наук. – Челябинск, 2000; Шевченко С.А. Формирование системы управления диверсифицированным предприятием: дис. ... канд. экон. наук. – СПб.: ГИЭА, 1998; Богатирев С.Ю. Диверсификация индустриальных систем (на примере ОАО ММК): дис.... канд. экон. наук. – М, 1998; Ансофф И. Новая корпоративная стратегия. – СПб: «Питер», 1999.416 с.; Ансофф И. Стратегическое управление: пер. с англ. – М.: Прогресс, 1999. 519 с.; Корнай Я. Дефицит. – М.: Наука, 1990. 181 с.; Кунц Р. Управление: системный и ситуационный анализ управленческих функций / Р. Кунц С. О’Донелл: пер. с англ. – М: Прогресс, 1991. 201с.; КунцРогер М. Стратегия диверсификации и успех предприятия // Проблемы теории и практики управления, 2004. - № 1 – С. 96-100; Карлоф Б. Деловая стратегия. – М.: Экономика, 2003. - 198 с.; Оуэн А. Как осуществлять стратегию // Хрестоматия «Управление изменениями». - М: МЦДО «Лина», 2006 . - С. 141-149; Томпсон А.А. Стратегический Менеджмент. Искусство разработки и реализации стратегии / А. А. Томпсон А. Дж. Стрикленд: пер. с англ.; под ред. Л.Г. Зайцева М.И. Соколовой. – М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 2008. -576с.

<sup>5</sup> Бекмуродов А.Ш., Янг Сон Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. – Ташкент: ТГЭУ, 2006. – 112 с.; М.Р. Болтабоев, Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: Иқт. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2005. – 35 б.; Р.С. Муратов, Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси истеъмолчи учун энгил саноат маҳсулотлари ассортиментини шакллантиришнинг регионал аспектлари. 08.00.13 – «Маркетинг» ихтисослиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2006. – 200 б. М.Н. Расулов, Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар ривожланиш самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари материаллари мисолида). 08.00.13 – «Менежмент ва маркетинг» ихтисослиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2010. – 161 б.; Замонавий менежмент: назария ва амалиёт / Д.Н. Раҳимова ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009, 792 б.; Д.С. Қосимова Интеграллашган корпоратив тузилмаларни бошқаришнинг замонавий тенденциялари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. –166 б.

Аммо иқтисодийни либераллаштириш шароитида чарм-пойабзал саноати ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган комплекс илмий-тадқиқот ишлари алоҳида диссертацион тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси-нинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий ишлар режасига мувофиқ, ИОТ-2013-1-42 «Худудий миқёсда чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг инновацион стратегиясини жорий этиш» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** чарм-пойабзал саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

чарм-пойабзал корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш хусусидаги илмий-назарий қарашларни қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш ҳамда уларнинг амалий аҳамиятини баҳолашга хизмат қиладиган хулосаларни шакллантириш;

чарм-пойабзал саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

чарм-пойабзал корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги илғор хориж тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва унинг амалий аҳамиятига баҳо бериш;

республикамиз чарм-пойабзал корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ долзарб муаммоларни аниқлаш;

чарм-пойабзал саноати корхоналарининг самарали хўжалик фаолияти учун аҳамиятли бўлган хомашё базасининг ҳолатини ўрганиш ҳамда олинган натижаларга кўра тизимни такомиллаштириш бўйича илмий-назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

республика чарм-пойабзал соҳасининг жадал ривожланишини таъминлаш, юқори қийматга эга маҳсулотларнинг экспорт ҳажмини ошириш учун қулай шароитлар яратиш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Ўзчармсаноат» уюшмасига аъзо корхоналар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни чарм-пойабзал корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, синтез, рейтинг баҳолаш, статистик усуллар, иқтисодий-математик моделлаштириш, қиёсий таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан хомашё – якуний тайёр маҳсулот принципи асосида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш кластери таклиф қилинган;

чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғида маҳсулот турини кенгайтириш асосида экспорт ҳажмини кескин ошириш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг истиқболдаги прогноз параметрлари ишлаб чиқилган;

чарм хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон пойабзал ҳамда чарм-атторлик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида «Ўзчармсаноати» уюшмаси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида рентабеллик даражасининг пасайишига йўл қўймаслик мақсадида соф фойда миқдорининг ошишини таъминлайдиган шарт-шароитлар асослаб берилган;

чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида дебитор қарздорликнинг ошишига йўл қўймаслик ҳамда мавжуд товар захираларининг жорий активлар ҳажмидаги паст ва барқарор салмоғини оширишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

республиканинг барча ҳудудларида замонавий автоматлаштирилган кушхоналарни ташкил этиш, сифатли тери хомашёсини тайёрлаш йўллари таклиф этилган;

чарм-пойабзал маҳсулотлари экспортида «вет-блю» маҳсулотлари экспортини босқичма-босқич қисқартириб бориш зарурати асосланган;

чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва жадаллаштириш йўналишлари асослаб берилган;

чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш юзасидан асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантиришда капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини оширишга таъсир этувчи омиллар аниқланган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги.** Диссертацион тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ишончлилиги тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мавжуд услубий ва амалий ёндашувлар ҳамда расмий статистик маълумотларга асосланганлик билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мавжуд йўналишдаги услубий ёндашувларни такомиллаштириш ҳамда улардан келгусида чарм-пойабзал саноатини



инновацион ривожлантиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни республикамізда чарм-пойабзал корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Чарм-пойабзал корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан хомашё – якуний тайёр маҳсулот принципи негизида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш кластери бўйича асосланган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3693-сон қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 майдаги 03/1-1541-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш натижасида чарм-пойабзал корхоналарининг тўлиқ қувват билан ишлаши ҳамда сифатли, арзон ва рақобатбардош чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилган;

чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғининг маҳсулот турлари структурасини такомиллаштириш, экспорт ҳажмини кескин ошириш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг истиқболдаги прогноз параметрларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3693-сон қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 майдаги 03/1-1541-сон маълумотномаси) Прогноз параметрлари асосида «Ўзчармсаноат» уюшмасига аъзо корхоналарнинг 2022 йилгача бўлган даврда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг мақсадли кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

чарм хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон пойабзал ҳамда чарм-атторлик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида «Ўзчармсаноати» уюшмаси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3693-сон қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 майдаги 03/1-1541-сон маълумотномаси). Натижада «Ўзчармсаноати» уюшмаси ташкилий тузилмасида 5 та янги бўлим

ташқил қилинган;

чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида рентабеллик даражасининг пасайишига йўл қўймаслик асосида соф фойда миқдорининг ошишини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар «Ўзчармсаноат» уюшмасига жорий этилган («Ўзчармсаноат» уюшмасининг 2018 йил 11 сентябрдаги ФБ-2/1622-сон маълумотномаси). Мазкур тавсияни амалиётга татбиқ қилиш натижасида «Ўзбекчармсаноат» уюшмасига аъзо «Orient-Technology» МЧЖнинг рентабеллиги ўтган йилга нисбатан 33,5 фоизли пунктга ошди;

чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида дебитор қарздорликнинг ошишига йўл қўймаслик ҳамда мавжуд товар захираларининг жорий активлар ҳажмидаги паст ва барқарор салмоғини оширишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар «Ўзчармсаноат» уюшмаси томонидан амалиётга жорий этилган. («Ўзчармсаноат» уюшмасининг 2018 йил 11 сентябрдаги ФБ-2/1622-сон маълумотномаси). Жорий этилган ишланмалар асосида «Ўзчармсаноат» уюшмасига аъзо «NAFIS-CHARM» МЧЖда маҳсулотларни сотишдан олинган соф фойда улуши 1261 млн сўмни ташқил қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқоти натижалари 8 та, шу жумладан, 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида баён қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация иши мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 та илмий мақола (2 та республика ва 1 та халқаро журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташқил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертацион тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлиги хусусидаги илмий-назарий қарашлар қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган ҳамда илғор

хориж тажрибаси ўрганилган, умумлаштирилган ва унинг ўзига хос хусусиятларига баҳо берилган.

Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ҳозирги кунда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда уни экспортга йўналтириш бўйича муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Саноатда маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, импорт ўрнини босадиган рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш долзарб масалага айланган.

Тадқиқот ишида таъкидланганидек, маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш масаласи ҳар доим иқтисодчи олимларнинг диққат-марказида бўлиб келган. Шу сабабли мазкур масаланинг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари илмий асосда тадқиқ қилинган.

Иқтисодчи олимларнинг маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш хусусидаги илмий-назарий қарашларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, биринчидан, иқтисодчилар ўртасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашда «мутлақ устунлик» тушунчаси кенг тарқалган, бироқ муқобил чиқимлар у ёки бу товарни ишлаб чиқариш имкониятлари ўртасидаги танлов билан ўлчанади; иккинчидан, маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашда асосий эътибор меҳнат унумдорлигига қаратилиши лозим; учинчидан, иқтисодий инкирозлар индустриал иқтисодиётга хос ҳодиса бўлиб, улар ишлаб чиқаришга жиддий зиён етказди ва жамланган капиталнинг «ейилиб кетиши»га олиб келади; тўртинчидан, индивидларнинг кўп истеъмол қилиш ва кам жамғариш тўғрисидаги умумий қарори капиталнинг «ейилиб кетиши»га олиб келади.

Диссертацияда амалга оширилган чарм-пойабзал маҳсулотлари самарадорлигини таъминлаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, биринчидан, мақсадли дастурлаштириш методологиясини қўллаш пойабзал ишлаб чиқариш соҳасида инновацион технологик жараёнларни янада аниқроқ баҳолаш имконини беради; иккинчидан, чарм корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш аниқ чора-тадбирлар (хомашё базасини ривожлантириш ва унинг сифатини ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш, кимёвий материалларни ишлаб чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, чарм ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритиши учун самарали бозор муҳитини яратиш, чарм маҳсулотлари истеъмолчиларининг юқори даражада ривожланган бозорини шакллантириш)ни амалга оширишни тақозо этади.

Бугунги кунда бутун дунёда бир киши учун йиллик сотиб олинadиган оёқ кийим маҳсулоти миқдори ўртача 1,9 тани ташкил қилади. Давлатлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, АҚШда 6,5 та, Жануби-Шарқий Осиёда 0,7 та, Россияда 1,4 та, Европада 4,5 та, Ўзбекистонда 2,6 тани ташкил қилади.

Европа давлатларида чарм пойабзал маҳсулотларининг нархи сезиларли даражада юқори. Жумладан, Италияда бир жуфт пойабзал нархи ўртача 52,6

АҚШ доллари, Германияда 35,7 АҚШ доллари, Испанияда 36,2 АҚШ доллари, Нидерландияда 32,7 АҚШ доллари, республикамизда эса ўртача 15,1 АҚШ долларини ташкил қилади. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, республикамизда йирик шохли ҳайвонлар (ЙШХ) ва майда шохли ҳайвонларнинг (МШХ) тери хомашёси бошқа давлатларникига нисбатан бирмунча қимматроқ. Теридан ишланган пойабзаллар нархи эса нисбатан арзон. Пойабзал саноатида юқори технологиялардан фойдаланадиган Италия ва Туркияда ҳар бир ЙШХ терисидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилганда, ўртача қўшилган қиймат бошқа давлатларга нисбатан сезиларли даражада юқори. Жумладан, Италияда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилганда, ўртача қўшилган қиймат ўртача 900 АҚШ доллари, Туркияда 219 АҚШ доллари, Ўзбекистонда 83 АҚШ долларини ташкил қилади.

Тадқиқот ишида етакчи давлатларнинг чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришида зарур бўлган муҳим асосий омиллар, яъни меҳнат ресурслари, ер ресурслари, хомашё ресурслари, ишлаб чиқариш компонентлари, бозор талаби кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Европа давлатларида чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун зарур бўлган муҳим асосий омиллар – меҳнат ресурслари, ер ресурслари, хомашё ресурслари чекланган, шунингдек, юқори технологиялардан унумли фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот нархи юқори. Осиё давлатларида эса аксинча.

Тадқиқот ишида пойабзал ишлаб чиқариш бўйича илғор хорижий тажрибалар таҳлил қилинди. Ҳозирги даврда дунё миқёсида пойабзал экспорти бўйича Вьетнам давлати етакчилик қилмоқда. Мазкур давлат пойабзал экспорт қилиш бўйича Хитойдан кейин иккинчи ўринда туради. Мамлакатда 500 дан ортиқ чарм-пойабзал экспорт қиладиган корхоналар мавжуд бўлиб, улар йилига 500 млн жуфтгача пойабзал экспорт қилади<sup>6</sup>.

Таъкидлаш жоизки, Вьетнамнинг Транс-Тинч океани стратегик ҳамкорлик битимига қўшилганлиги ушбу мамлакат корхоналари, шу жумладан, чарм-пойабзал корхоналарига ўз маҳсулотларини хориж бозорларида сотиш имкониятини беради. Биринчи навбатда, чарм-пойабзал корхоналарига нисбатан паст солиқ ставкалари қўлланилади. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлиги ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ Вьетнамнинг пойабзал ишлаб чиқариш соҳаси узоқ йиллар мобайнида пойабзал ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашёни қайта ишлаш билан шуғулланиб келди. Оёқ-кийим ишлаб чиқариш учун зарур бўлган айрим хомашёларнинг импорт қилиниши эса вьетнамлик ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини бирмунча пасайтирди.

Муаллиф фикрича, пойабзал ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда хомашё нархи ва етарлилиги муҳим ўрин тутди. Бу эса ушбу соҳада фаолият

---

<sup>6</sup> Тхюй Ч. Усилия обувной промышленности Вьетнама для повышения эффективности производства и усиления экспорта. [www.vovworld.vn/ru](http://www.vovworld.vn/ru).

юритаётган ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш учун хомашё нархи ошиб кетишининг олдини олиш заруриятини юзага келтиради. Шу сабабли Вьетнам ҳукумати пойабзал саноати учун хомашё зоналарини ташкил этмоқдаки, бу келгусида хомашё тақчиллиги муаммосини ҳал қилиши ва хомашё нархи ошиб кетишининг олдини олиши лозим.

Таҳлилларга кўра, Россияда 2017 йил ўрталарида чарм-пойабзал корхоналари маҳсулотларига бўлган талаб пасайди. Бу эса мазкур корхоналарни омборхоналардаги захираларини камайтириш, ишлаб чиқариш ҳажми ва инвестиция режаларини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди. Россиянинг «Спартак» пойабзал фабрикасида 2014–2017 йилларда капиталнинг рентабеллик коэффициенти пасайиш тенденцияси кузатилган. Ушбу пасайиш тенденцияси маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш жиҳатидан салбий ҳолат ҳисобланади ва мазкур тенденциянинг юзага келиши 2014–2017 йилларда соф фойданинг ўсиш суръати капиталнинг ўсиш суръатидан паст бўлганлиги билан изоҳланади.

Диссертация ишида кўйилган мақсадга эришилишини таъминлаш учун, муаллиф фикрича, қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

- хомашё базасини ривожлантириш ва унинг сифатини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- кимёвий материаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолият кўрсатиши учун самарали бозор муҳитини яратиш;
- чарм-пойабзал маҳсулотлари истеъмолчиларининг юксак даражада ривожланган бозорини яратиш.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси чарм-пойабзал корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигининг замонавий ҳолати**» деб номланган иккинчи бобида хомашё ресурсларининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган ҳамда табиий чарм ва ёрдамчи материаллар ишлаб чиқаришнинг ривожланиш динамикаси баҳоланган, корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни бошқариш ва тартибга солишнинг иқтисодий инструментлари, «Ўзчармсаноати» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари, инвестиция ва ҳудудий манзилли дастурларидаги лойиҳалар ижроси таҳлил қилинган.

Тадқиқот жараёнида республикамизда чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғининг асосий индикаторлари таҳлил қилинган (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, республикамизда 2013–2017 йилларда чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бунда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг сўнгги йилларда юқори ўсиш суръатларига эга бўлганлиги муҳим ўрин эгаллаган. Республикамизда ишлаб чиқарилган чарм-пойабзал маҳсулотларининг ҳар бир ходимга нисбатини оладиган бўлсак, 2013 йилда ўртача 57,7 млн сўм, 2017 йилда эса 151,8 млн сўмни ташкил қилган. Бу, ўз

навбатида, юқори самарадорликка эга технологияларнинг салмоғи ортганлигини билдиради.

1-жадвал

**Чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатининг асосий индикаторлари<sup>7</sup>**

Индикаторлар	Йиллар				
	2013	2014	2015	2016	2017
Чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми, млн сўм	348375,5	527151,3	757869,8	981435,6	1414550,7
Чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий капиталига киритилган инвестициялар, млн сўм	37104,1	38674,1	34041,9	50487,9	131581,8
Чарм-пойабзал саноати тармоғи корхоналарида ишловчи ходимларнинг йиллик ўртача сони (киши)	6031,0	5594,0	5869,0	7305,0	9318,0
Асосий воситаларнинг йилига бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича баҳоси (млн сўм)	176557,0	153138,1	188324,0	370653,6	467790,8
Чарм-пойабзал саноатидаги корхоналар сони (дона)	602,0	557,0	617,0	708,0	937,0

Манба: «Ўзчармпойабзал» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2016 ва 2017 йилларда чарм-пойабзал саноати тармоғи бўлган корхоналарда ишловчи ходимларнинг йиллик ўртача сони сезиларли даражада ўсган. Бу эса мазкур тармоқдаги корхоналар сонининг мазкур йилларда кескин кўпайганлиги билан изоҳланади. Ушбу ҳолатни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини корхоналар сонига нисбатининг ўзгаришида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, 2013 йилда битта корхонага ўртача 578,6 млн сўмлик маҳсулот тўғри келган бўлса, 2017 йилга келиб, 1509,6 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.


Республикада тадқиқот натижаларига кўра ишлаб чиқилган чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш кластерини жорий этиш мақсадга мувофиқ (1-расм).

Ушбу тизим соҳадаги барча бўғинларни ўз ичига олган бўлиб, чорва молларини сўйишдан тортиб тайёр маҳсулот кўринишида ички ва ташқи бозорга сотишгача бўлган ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш жараёнларини қамраб олган.

Мазкур тизимнинг жорий этилиши натижасида тери хомашёси сифати ошади, терини қайта ишлаш корхоналари тери билан узлуксиз таъминланади, тармоқ корхоналари тўлиқ қувват билан ишлайди, ортиқча харажатларнинг

<sup>7</sup> Жадвал муаллиф томонидан [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайти маълумотлари асосида тузилган.

олди олинади ва пировардида, ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлиги ортади.




1-расм. Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш кластери

Таҳлилларга кўра, республикада биргина пойабзал маҳсулотларига бўлган талаб камида 83 млн жуфт эканлиги, лекин республикада 17 млн жуфт пойабзал ишлаб чиқарилишини ҳисобга олсак, бу тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш талабларидан ортда қолаётганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар етарли қувват билан ишламаяпти. Шунингдек, ушбу соҳада маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳолатини қониқарли, деб бўлмайди. Айниқса, «Ўзчармсаноати» уюшмаси таркибидаги аксарият корхоналарнинг тўлиқ қувват билан ишламаётганлиги маҳсулот нархи ошишига таъсир кўрсатмоқда.

«Ўзчармпойабзал» уюшмасига аъзо корхоналар кесимидаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, уюшма таркибидаги мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш кўрсаткичлари чарм хомашёси ишлаб чиқариш корхоналари бўйича 69,2 фоиз, пойабзал ишлаб чиқарувчи корхоналар бўйича 78,4 фоиз, чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар бўйича 85,2 фоизни ташкил қилмоқда.

Тадқиқот ишида муаллиф томонидан чарм-пойабзал корхоналарида мавжуд хомашёдан самарали фойдаланган ҳолда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича янги ёндашувлар ишлаб чиқилган (2-расм).

Бугунги кунда республикамызда бир йилда 12 млн дона ҳайвон териси олинади. Терини қайта ишлаш корхоналари томонидан дастлабки ишлов берилган терининг 73 фоизи ярим тайёр маҳсулот – «вет-блю» кўринишида экспорт қилинади. 27 фоизи тайёр тери кўринишида маҳаллий чарм-атторлик корхоналари томонидан 3,2 млн дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади.



2-расм. Тайёр чарм-пойабзал ишлаб чиқариш саноати маҳсулотлари экспорт салоҳиятининг прогноз кўрсаткичлари<sup>8</sup>

Чарм бозорида кучли рақобат ҳукмрон бўлганда, бунга фақатгина қудратли корхоналар бардош бера олади. Уларнинг иш принципи кенг турдаги чарм маҳсулотлари билан мижозлар талабини қондиришдан иборат. Республикамыз истеъмолчилари, асосан, сўнгги урфдаги чармдан тайёрланган пойабзалларни харид қилишни исташлари туфайли сифатли сайқалланган чармга бўлган талаб ортиб бормоқда. Чарм маҳсулотларини ишлаб чиқаришда якуний маҳсулотнинг 60-70% гача қисмини хомашё ташкил этмоқда. Шу сабабли ҳозирги кунда хомашёнинг сифатли бўлиши масаласи биринчи ўринда турибди.

Муаллиф фикрича, чарм хомашёси сифатини яхшилашга оид асосий чоратadbирларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

тери олинадиган ҳайвонларни соғломлаштиришга тармоқлар молиявий маблағларини ажратиш (ҳудудий дастурларни қабул қилиш);

«Ўзчармсаноати» уюшмаси томонидан минтакаларда чорва ҳайвонларини сақлаш, боқиш, сўйиш, тери хомашёсини тайёрлаш ва сақлаш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш;

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.




чарм ишлаб чиқарувчи фирмалар, фермерлар ва хусусий чорва эгалари ўртасида янада мустаҳкам алоқалар (уюшқоқлик)ни йўлга қўйиш ҳамда чорва ҳайвонларига нисбатан профилактик ва даволаш тадбирларини жорий этиш;

чарм-пойабзал саноати ривожланган хорижий мамлакатлар (Италия, Англия, Бразилия ва бошқа мамлакатлар) тажрибасидан келиб чиқиб, тери хомашёсини миллий бойлик сифатида қабул қилиш;

давлат, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тери хомашёси сифатини яхшилаш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқиш.

Биз таҳлилни диссертацион тадқиқот объекти бўлган «Orient-Technology», «Nafis-Charm», «Peng Sheng Charm» ва «STYLE STEP» МЧЖлар мисолида амалга оширдик. Чарм-пойабзал корхоналари рентабеллик даражаси кўрсаткичлари 3-расмда келтирилган.

3-расм маълумотларидан кўринадики, «Orient-Technology» МЧЖда 2013–2015 йилларда, «Peng Sheng Charm» МЧЖда 2015–2017 йилларда рентабеллик кўрсаткичининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Бу эса мазкур даврларда харажатлар ўсиш суръатининг соф фойданинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади. Хусусан, «Orient-Technology» МЧЖда 2013 йилда соф фойданинг миқдори 3931 млн сўм, 2015 йилда 519 млн сўмни ташкил қилган.



3-расм. Чарм-пойабзал корхоналари рентабеллик даражаси, фоизда<sup>9</sup>

3-расм маълумотларига кўра, 2015–2017 йилларда «Orient-Technology» ва «Nafis-Charm» МЧЖларда, 2013-2015 йилларда «Peng Sheng Charm» МЧЖда рентабеллик кўрсаткичининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Мазкур ҳолат маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳисобланади. Бу эса мазкур даврда соф фойда ўсиш суръатининг харажатлар ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади. Хусусан, «Nafis-Charm» МЧЖда 2017 йилда соф фойданинг ўсиш суръати 2015 йилга нисбатан 4,4 марта, харажатларнинг ўсиш суръати 1,6 мартани ташкил этган.

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан тегишли корхоналарнинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилган.

Чарм-пойабзал корхоналарида ялпи фойда, капитал рентабеллиги ва материаллар сиғими кўрсаткичларининг ўзгариши 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### Чарм-пойабзал корхоналарида ялпи фойда, капитал рентабеллиги ва материаллар сиғими кўрсаткичларининг ўзгариши<sup>10</sup>

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2013	2014	2015	2016	2017
<b>«Orient-Technology» МЧЖ</b>						
1	Ялпи фойда коэффиценти	0,11	0,19	0,24	0,47	0,66
2	Капитал рентабеллиги коэффиценти	0,25	0,57	0,03	0,11	0,19
3	Материаллар сиғими кўрсаткичи	89,2	80,9	75,7	53,5	34,0
<b>«Nafis-Charm» МЧЖ</b>						
1	Ялпи фойда коэффиценти	0,13	0,16	0,15	0,17	0,32
2	Капитал рентабеллиги коэффиценти	0,43	0,35	0,25	0,43	0,45
3	Материаллар сиғими кўрсаткичи	87,1	84,1	85,2	82,6	68,3
<b>«STYLE STEP» МЧЖ</b>						
1	Ялпи фойда коэффиценти	0,33	0,20	0,24	0,36	0,47
2	Капитал рентабеллиги коэффиценти	45,2	12,9	4,55	21,7	22,1
3	Материаллар сиғими кўрсаткичи	67,3	79,3	75,7	64,1	52,9

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Orient-Technology», «STYLE STEP» ва «Nafis-Charm» МЧЖларда 2013–2017 йиллар оралиғида ялпи фойда коэффицентининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса корхонада маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Мазкур тенденциянинг юзага келиши таҳлил қилинган давр мобайнида маҳсулотларни сотишдан олинган соф фойда билан сотилган маҳсулотларнинг таннархи ўртасидаги фарқ суммасининг ўсиш суръати маҳсулотларни сотишдан олинган соф фойда суммасининг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади. Аммо ушбу кўрсаткичнинг «Nafis-Charm» МЧЖда 2015 йилда 2014 йилга нисбатан ва «STYLE STEP» МЧЖда 2014 йилда 2013 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайиши кузатилган. Бу эса мазкур даврда корхоналарда маҳсулотларни сотишдан олинган соф фойда билан сотилган маҳсулотлар таннархи ўртасидаги фарқ суммаси ўсиш суръатининг соф фойда ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

2-жадвал маълумотларига кўра, «Nafis-Charm» ва «STYLE STEP» МЧЖларда 2013–2015 йилларда, «Orient-Technology» МЧЖда эса 2015–2017 йилларда капитал рентабеллиги коэффицентининг пасайиш тенденцияси

<sup>10</sup> Жадвал муаллиф томонидан тегишли корхоналарнинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилган.

кузатилган. Мазкур пасайиш маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади ва таҳлил қилинган давр мобайнида корхоналарда соф фойданинг ўсиш суръати капиталнинг ўсиш суръатидан ортда қолганлиги билан изоҳланади. Хусусан, 2015 йилда «Nafis-Charm» МЧЖда капиталнинг ўсиш суръати 2013 йилга нисбатан 2,2 мартани ташкил этгани ҳолда, соф фойданинг ўсиш суръати 1,3 мартани кўрсатган. Ўз навбатида, ушбу корхона капиталининг 2015 йилда 2013 йилга нисбатан юқори ўсиш суръатига эга бўлганлиги, биринчидан, мазкур даврда захира капиталининг юқори ўсиш суръатига эга бўлганлиги (4,2 мартага), иккинчидан, келгуси давр захиралари ва тўловлари миқдорининг кескин ошганлиги (2,5 мартага) билан изоҳланади.

